

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**21-сон**  
**(1093)**  
**2023 йил**  
**май**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

175. «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 24 майдаги ЎРҚ–844-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

176. «Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги ПФ–76-сон Фармони

177. «Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва «рақамли энергоназорат» тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги ПФ–77-сон Фармони

178. «Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 майдаги ПФ–79-сон Фармони
179. «Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги ПҚ–162-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

180. O‘zbekiston Respublikasi transport vazirining 2023-yil 15-maydagi 4-son “O‘zbekiston Respublikasining “Fuqaro aviatsiyasida aviatsiya xavfsizligi bo‘yicha instruktorlarni sertifikatliyadan o‘tkazish” aviatsiya qoidalarini (O‘ZR AQ-182) tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 23-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2576-1*)
181. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 13 майдаги 12-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****175****Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
25 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 27 декабрда  
маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг мақсади алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун фуқароларнинг, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, бу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилгандир.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик мақсадларда ишлатиш ниятсиз ўз эҳтиёжлари учун олиб киришга;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини кўргазмавий намуналар ва синовлар учун намуналар сифатида юридик шахслар томонидан олиб киришга;

экспортга реализация қилиш учун мўлжалланган ёки Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтадиган алкоголь ва тамаки маҳсулотларига, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

**2-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчилик**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 майда эълон қилинган.

қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг айланиши** — алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини олиб кириш (импорт қилиш), олиб чиқиш (экспорт қилиш), ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш;

**алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг улгуржи савдоси** — алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини кейинчалик сотиш учун етказиб бериш;

**алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг чакана савдоси** — алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ушбу маҳсулотлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз истеъмолчига реализация қилиш;

**алкоголь маҳсулотлари** — озиқ-овқат хом ашёсидан олинган этил спиртидан ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ёки фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқарилган, таркибида этил спиртининг ҳажмий улуши бир ярим фоиздан юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулоти;

**алкоголга қарамлик** — алкоголь маҳсулотига патологик ружу қўйиш, алкогольдан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик (сурункали алкоголизм);

**атрофдаги тамаки тутуни** — тамаки маҳсулоти чекилаётган ёки олдинроқ чекилган жойнинг атмосфера ҳавосидаги таркибида никотин мавжуд бўлган аэрозоль (буғ, тутун);

**жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланишни чеклаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслар** — тасарруфида (мулкида, эгалигида, фойдаланишида) жамоат жойларида жойлашган ҳудудлар, бинолар (хоналар), иншоотлар ва бошқа объектлар, шунингдек жамоат транспорти бўлган жисмоний шахслар ва (ёки) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар;

**кўчма савдо** — товарларнинг стационар савдо объектларидан ташқарида, шу жумладан кўчма савдо объектларидан (дўкончалардан, пештахталар-

дан, чодирлардан, автодўконлардан ва бошқалардан) фойдаланган ҳолдаги чакана савдоси;

**никотин** — тамакининг барглари ва поялари таркибида мавжуд бўлган ёки синтез йўли билан олинган алкалоид;

**никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари** — электр токи (аккумулятор) ёрдамида никотинли ёки никотинсиз суюқликни (картрижларда, резервуарларда ва бошқа контейнерларда) қиздирадиган ҳамда истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган, кўп марта ишлатиладиган мосламалар (бундан тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий буюмлар мустасно);

**никотинли снюс** — сўриш (шимиш) учун мўлжалланган, ўсимлик хом ашёсидан ва никотиндан ёки унинг ҳосилаларидан, жумладан никотин тузларидан (бундан тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисми, шу жумладан тозаланган тамаки чанги ва (ёки) кесилган тамаки баргининг майда зарралари мустасно) тайёрланган, чекилмайдиган, таркибида никотин мавжуд бўлган, бошқа ингредиентлар қўшилган ёки қўшилмаган маҳсулот тури;

**никотинли суюқлик** — таркибида никотин миқдори 0,1 мг/мл ҳажмдан кам бўлмаган, тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳар қандай суюқлик;

**никотинсиз суюқлик** — таркибида никотин бўлмаган ёки таркибида никотин миқдори 0,1 мг/мл ҳажмдан кам бўлган, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларида фойдаланиш учун мўлжалланган суюқлик;

**носвой** — шимиш учун мўлжалланган ҳамда тамакидан ва тамакисиз хом ашёдан (ишқордан, оҳакдан, бўрдан) тайёрланган чекилмайдиган тамаки маҳсулотининг тури;

**тамаки** — тамаки маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хом ашё олиш мақсадида етиштириладиган, *Nicotiana Tabacum* ва *Nicotiana Rustica* турларига тегишли итузумдошлар оиласига мансуб бўлган *Nicotiana* навидаги ўсимлик;

**тамаки маҳсулотининг блоки** — тамаки маҳсулотларининг муайян миқдордаги истеъмол ўровларини (қутиларини) ўз ичига олган гуруҳли истеъмол идиши бирлиги;

**тамаки маҳсулотининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўрови (қутиси)** — тамаки маҳсулотини ва (ёки) тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасини бевосита жойлаш ва уни охириги истеъмолчига реализация қилиш учун мўлжалланган, транспортда ташиш ва сақлашнинг тайёрловчи томонидан белгиланган шартларига риоя этилганда кафолат муддати ичида уларнинг истеъмол хоссалари сақланишини таъминлайдиган ўров;

**тамакига (никотинга) қарамлик** (бундан буён матнда никотинга қарамлик деб юритилади) — тамаки маҳсулотига (таркибида никотин мавжуд бўлган маҳсулотга) патологик ружу қўйиш, никотиндан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб боровчи касаллик;

**тамакили снюс** — тўлиқ ёки қисман тамаки барги ва (ёки) тамаки

ўсимлигининг бошқа қисмидан, шу жумладан тозаланган тамаки чанги ва (ёки) кесилган тамакининг майда зарраларидан ингредиентлар қўшилган ёки қўшилмаган ҳолда тайёрланган, сўриш (шимиш) учун мўлжалланган чекилмайдиган тамаки маҳсулотининг тури;

**тамакини қиздириш тизими** — қиздириладиган тамаки маҳсулотларини чекиш учун мўлжалланган ҳамда истеъмолчи томонидан нафас орқали ютилиши мақсадида никотинли аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган электрон мослама, шу жумладан алоҳида ёки бирга сотилишидан қатъи назар, бундай мослама билан бирга фойдаланиш учун тайёрланган ҳар қандай буюм ёки қисм;

**тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари** — таркибида никотин бўлган ёки никотин бўлмаган истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозолни (буғни, тутунни) олиш учун фойдаланиладиган электрон ёки бошқа асбоблар (мосламалар), шу жумладан никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари, тамакини қиздириш тизимлари, чилимлар, трубкалар, муштуклар, шунингдек уларнинг таркибий қисмлари ва элементлари (бундан тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий буюмлар мустасно);

**таркибида никотин мавжуд бўлган маҳсулотлар** — чекиш, шимиш, чайнаш, ҳидлаш ёки бошқача усулларда, шу жумладан тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари ёрдамида истеъмол қилиш учун фойдаланишга тайёрланган, таркибида никотин ёки унинг ҳосилалари, шу жумладан никотин тузлари, эритмалари бўлган маҳсулотлар, никотинли суюқликлар ёки таркибида никотин мавжуд бўлган геллар (бундан қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган дори воситалари ва таркибида никотин табиий ҳолда мавжуд бўлган озик-овқат маҳсулотлари мустасно);

**тиббий огоҳлантириш** — алкоголь маҳсулотининг идиши ёрлиғига ёки тамаки маҳсулотининг ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўровига (қутисига) жойлаштириладиган алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги ахборот;

**чекилмайдиган тамаки маҳсулоти** — шимиш, чайнаш ёки ҳидлаш учун мўлжалланган тамаки маҳсулоти;

**чилим** — тамакининг, шунингдек таркибида тамаки мавжуд бўлмаган маҳсулотларнинг туташ ва (ёки) қиздирилиши натижасида ҳосил бўладиган аэрозолни (буғни, тутунни) нафас орқали ютиш учун фойдаланиладиган мослама бўлиб, унда аэрозоль (буғ, тутун) суюқлик солинган идиш (чилим сувдони) орқали ўтади;

**қиздириладиган тамаки маҳсулоти** — чекиладиган тамаки маҳсулотининг ингредиентлар қўшилган ёки қўшилмаган тамакидан (тамаки аралашмасидан) иборат бўлган, тамакини қиздириш тизимларида фойдаланиш учун мўлжалланган тури;

**электрон сигарета** — электр токи (аккумулятор) ёрдамида мосламадаги никотинли ёки никотинсиз суюқликни қиздирадиган ва истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган, бир марта ишлатиладиган мослама.

**4-модда. Тамаки маҳсулоти**

Чекиш, шу жумладан тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланган ҳолда чекиш учун, шунингдек шимиш, чайнаш, ҳидлаш ёки бошқача усулларда истеъмол қилиш учун хом ашё сифатида тўлиқ ёки қисман тамаки баргидан ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмларидан тайёрланган маҳсулотлар (бундан қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган дори воситалари мустасно) тамаки маҳсулотларидир.

Қўйидагилар тамаки маҳсулотлари жумласига киради:

таркибида хом ашё сифатидаги тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмлари мавжуд бўлган маҳсулот. Чекиладиган маҳсулотлар (папирослар, сигаралар, сигареталар, сигариллалар (сигариталар), қиздириладиган тамаки маҳсулотлари, чилим учун тамаки, ингичка қирқилган, чекиладиган тамаки, трубка учун тамаки) ва чекилмайдиган маҳсулотлар (носвой, тамакили снюс, ҳидланадиган тамаки, чайналадиган тамаки) шундай маҳсулот бўлиши мумкин;

таркибида никотин ёки никотиннинг ҳосилалари, шу жумладан никотин тузлари, эритмалари, никотинли суюқликлар ёки таркибида никотинли геллар мавжуд бўлган, лекин тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмлари мавжуд бўлмаган маҳсулот. Чекиладиган маҳсулотлар (никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун никотинли суюқликлар, никотин суюқлиги бўлган электрон сигареталар, чилим учун никотинли аралашмалар) ва чекилмайдиган маҳсулотлар (никотинли снюс) шундай маҳсулот бўлиши мумкин;

таркибида тамаки ва никотин мавжуд бўлмаган, лекин тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари билан бирга фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулот (никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун никотинсиз суюқликлар, никотинсиз суюқлиги бўлган электрон сигареталар, чилим учун никотинсиз қоришмалар).

**2-боб. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш****5-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ҳаётини ва соғлиғини сақлашга, уларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, атрофдаги тамаки тутунининг салбий таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш;

фуқаролар соғлиғини сақлашнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини тижорат мақ-



садларида ишлаб чиқараётган, импорт ва реализация қилаётган шахсларнинг манфаатларидан устуворлигини таъминлаш;

фуқароларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, уларнинг соғлиғига алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олишга ва уларни камайтиришга қаратилган профилактика, маърифий фаолиятни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг айланиши соҳасидаги давлат назоратини таъминлаш, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга ошириш;

алкоголга ёки никотинга қарамликдан азият чекаётган шахсларга тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси, шунингдек алкогольга ёки никотинга қарамлик диагностикаси ва уни даволаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган профилактика, маърифий тадбирларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг кенг иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш.

### **6-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат кафолатлари**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсирини профилактика қилиш мақсадида давлат:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг таркибига, ўровига ва тамғаланишига оид талабларни белгилайди ҳамда уларга риоя этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини баҳолаш қоидалари ҳамда тартиб-таомилларини белгилайди, шунингдек уларга риоя этилишини таъминлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ва реализация қилинишини тартибга солади, шунингдек таркибида инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган моддалар миқдори йўл қўйиладиган энг юқори даражалардан ошадиган алкоголь ва тамаки маҳсулотларнинг импорт қилинишига тақиқ ўрнатади;

жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишига, шунингдек тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланилишига тақиқ ўрнатади;



алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилишга ва ушбу шахслар томонидан реализация қилинишига, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш жараёнига уларни жалб этишга тақиқ ўрнатади;

қонунчилик талабларига мувофиқ алкогольга ёки никотинга қарамликни даволашга қаратилган тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини таъминлайди;

аҳолини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари, атрофдаги тамаки тутунининг салбий таъсири тўғрисида хабардор қилишга ва хабардорлигини оширишга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларига бўлган талабни камайтиришга қаратилган нархга ва солиққа оид чораларни кўради;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг қонунга хилоф равишда айланишининг олдини олиш чораларини кўради.

### **7-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси**

Фуқароларнинг, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғига, уларнинг жисмоний, маънавий ривожланишига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига бўлган таҳдидларнинг ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, атрофдаги тамаки тутуни таъсири билан боғлиқ бўлган бошқа таҳдидларнинг олдини олишга ҳамда уларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси жумласига кирилади.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, таълим ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсирини профилактика қилиш, жамоатчилик онгида алкоголь ва тамаки маҳсулотини истеъмол қилишга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш бўйича комплекс ижтимоий ва ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга оширади.

### **8-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи органлар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи (бундан буён матнда Ваколатли давлат органи деб юритилади);

солиқ органлари;

божхона органлари;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатли давлат органи;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган давлат органлари ҳамда ташкилотлар алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятда қонунчиликка мувофиқ иштирок этади.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқиши, тасдиқланиши ва бажарилишини таъминлайди;

ижро этувчи ҳокимият органларининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришга доир фаолиятни, шунингдек алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдосига доир фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг улгуржи ва чакана савдоси тартибини белгилайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тамғалаш, шу жумладан акциз маркалари ва рақамли идентификация воситалари билан тамғалаш тартибини белгилайди ва тасдиқлайди, алкоголь ва тамаки маҳсулотларига акциз маркалари намуналарини тасдиқлайди;

алкоголь маҳсулотининг идиши ёрлиғига ёки тамаки маҳсулотининг ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол

ўровига (қутисига) жойлаштириладиган тиббий огоҳлантиришлар намуналарини тасдиқлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг айланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди, шунингдек бундай назоратни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги ахборотни аҳоли, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида тарқатишга доир чораларни амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларига, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларига доир мажбурий талабларни белгилашга тааллуқли бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни ташкил этишда ва уларни бажаришда иштирок этади;

фуқаролар соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ профилактика ишларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

алкоголга ва никотинга қарамликни ташхислаш ҳамда даволаш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, уларга тиббиёт ташкилотлари томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари таркибидаги инсон ҳаёти ҳамда соғлиғи учун зарарли бўлган моддалар миқдорининг йўл қўйиладиган энг юқори даражаларини белгилайди;

алкоголь маҳсулоти идишининг ёрлиғига ёки тамаки маҳсулотининг ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровига (қутисига) жойлаштириладиган тиббий огоҳлантиришларнинг намуналарини ишлаб чиқади;

алкоголга ёки никотинга қарамликдан азият чекаётган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини таъминлайди, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган сурункали касалликлар ҳамда ўлим ҳолатларининг мониторингини амалга оширади;

фуқаролар, айниқса, йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишини камайтириш, маърифий, тиббий-санитария ишларининг таъсирчанлигини ошириш чораларини ҳамда жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган

бошқа ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий чораларни ўз ичига олувчи самарали профилактика тизимининг яратилишини ва ишлашини таъминлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга қаратилган тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши мониторингини ҳамда ушбу тадбирларнинг самарадорлигини баҳолашни амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

алкоголга ёки никотинга қарамликнинг профилактикаси ҳамда уни даволаш билан шуғулланадиган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси масалалари бўйича таълим ташкилотлари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш сабаблари ва оқибатларини, алкогольга ёки никотинга қарамликнинг профилактикаси, уни ташхислаш ва даволаш усулларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилиниши кўламларига доир санитария-эпидемиологик тадқиқотларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланиш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг қонунга ҳилоф равишда айланиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш бўйича тадбирларни амалга оширади;

жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилиниши, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланилиши, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг қонунга ҳилоф равишда айланиши ҳолатлари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик

жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга жалб этилишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Ваколатли давлат органининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари**

Ваколатли давлат органи:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришга доир фаолиятни, шунингдек алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдосига доир фаолиятни лицензиялашни амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг айланиши ҳажмларининг мониторингини, шу жумладан замонавий ахборот тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш орқали амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига, шунингдек уларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашё ва қўшимча материаллар сифатига қўйиладиган талабларга риоя этилишини назорат қилади.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Солиқ органларининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари**

Солиқ органлари:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг айланиши билан боғлиқ солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга оширади;

савдо объектлари ҳамда умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари билан савдо қилиш ва уларни реализация қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

савдо объектлари ҳамда умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари билан савдо қилиш ва уларни реализация қилиш қоидаларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида алкоголь ва тамаки маҳсулот-

ларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг қонунга хилоф равишда айланишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш бўйича тадбирларни амалга оширади.

Солиқ органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари**

Божхона органлари:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг айланиши жараёнида божхона тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш бўйича тадбирларни амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишининг олдини олиш, аниқлаш ва унга чек қўйиш мақсадида хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ва маълумотлар алмашади.

Божхона органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**15-модда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатли давлат органининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари**

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатли давлат органи:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг қонунга хилоф равишда айланишига қарши курашиш бўйича ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қилади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реклама қилишга, уларни сотишни рағбатлантиришга ва уларга ҳомийлик қилишга доир чекловга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчилик бузилишларининг профилактикасига доир чора-тадбирларни амалга оширади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**16-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг қонунга хилоф равишда айланишини комплекс таҳлил қилади, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг қонунга хилоф равишда айланишининг турли схемаларини, каналларини аниқлайди, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чораларни амалга оширади;

қалбакилаштирилган алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг айланиши билан боғлиқ ғайриқонуний ҳаракатларга қарши курашиш тадбирларини амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг қонунга хилоф равишда айланишига қарши курашиш юзасидан чет давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда ахборот алмашади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**17-модда. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишни амалга оширади;

давлат органлари томонидан ишлаб чиқилган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари учун техник регламентларни экспертизадан ўтказди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;



алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро ва давлатлараро стандартларга мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**18-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқиши, тасдиқланиши ва бажарилишини таъминлайди;

аҳоли, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни тарқатишга қаратилган профилактика тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди;

тегишли ҳудудда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлайди;

фуқароларнинг соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни таъминлайди;

алкоголга ёки никотинга қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами молиявий, моддий-техник, ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**19-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича тадбирларда иштирок этиши**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз ваколатлари доирасида:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат дастурларининг, ҳудудий ва бошқа

дастурларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

аҳоли, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни тарқатишга қаратилган профилактика тадбирларини амалга оширади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**20-модда. Фуқароларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиши**

Фуқаролар:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат дастурларининг, ҳудудий ва бошқа дастурларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

алкоголсиз ва тамакисиз муҳитни, атрофдаги тамаки тутуни таъсиридан ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатларидан фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлаш юзасидан давлат органларига ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчиликнинг бошқа шахслар томонидан бузилиши натижасида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш талаби билан мурожаат қилади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади.

Фуқароларга уларнинг:

атрофдаги тамаки тутунидан ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш чоғида ажралиб чиқадиган моддалардан холи бўлган қулай ҳаёт фаолияти муҳитига;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчиликнинг бошқа шахслар томонидан бузилиши оқибатида ўз ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқи кафолатланади.

Фуқаролар:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиши;

болаларда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга нисбатан салбий муносабат шаклланиши, шунингдек уларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш жараёнига жалб этилишига йўл қўйилмаслик тўғрисида қайғуриши;

бошқа фуқароларнинг атрофдаги тамаки тутунидан ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш чоғида ажралиб чиқадиган моддалардан холи бўлган қулай ҳаёт фаолияти муҳитига бўлган ҳуқуқларининг бузилишига олиб келадиган ҳаракатларни амалга оширмаслиги шарт.

### **3-боб. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга доир чоралар**

#### **21-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилишга доир чекловлар**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, шунингдек тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг:

йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларга;

йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар томонидан;

сотувчининг бевосита иштирокисиз, шу жумладан савдо автоматлари, бошқа электрон ёки механик қурилмалар воситасида;

ўзига ўзи хизмат кўрсатиш токчаларидан;

электрон тижорат шаклида, шу жумладан ҳар қандай йўл билан охириги истеъмолчиларга етказиш ёрдамида (бундан кўпикланидиган ва табиий винолар мустасно);

сайёр (қўлда, лотокларда, саватчаларда, қўл аравачаларида) савдо қилиш йўли билан;

кўчмас савдо объектларидан ташқарида;

дорихоналарда;

болаларга мўлжалланган товарлар реализация қилинадиган хоналарда;

болалар ўйинчоқларига, конфетларга ёки болалар учун мўлжалланган бошқа товарларга ўхшатиб ишланган бўлса;

соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари, таълим ташкилотлари, маданият муассасалари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, санаторий ҳамда тиббий-ижтимоий муассасалар ҳудудларида;

таълим, спорт ва диний ташкилотлар ҳудудидан тўғри чизик бўйлаб юз метрдан кам масофада жойлашган савдо объектларида, бундан савдо объекти умумий савдо майдони минг квадрат метрдан ортиқ бўлган савдо мажмуаларининг (бозорларнинг) ҳудудида ва ярмарка павильонларида жойлашган ҳоллар мустасно;

яроқлилик муддати ўтганда;

маҳсулот сифатини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларсиз;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини сақлаш ва реализация қилишга доир санитария нормалари ҳамда қоидаларига мос келмайдиган хоналар ва жойларда;

белгиланган тартибда акциз маркалари билан тамғаланмаганда — акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган алкоголь ва тамаки маҳсулотларига нисбатан;

қалбаки акциз маркалари билан тамғаланганда;

уларнинг ишлаб чиқарувчисини аниқлаш имконини бермайдиган тарзда аниқ тамғаланмаганда;

белгиланган тартибда рақамли идентификация воситалари билан тамғаланмаганда;

уларни ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлмаган шахслар томонидан ишлаб чиқарилганда — лицензияланадиган алкоголь ва тамаки маҳсулотларига нисбатан;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки уларни қонунчиликни бузган ҳолда сотган етказиб берувчидан сотиб олинганда;

алкоголь маҳсулотининг идиши ёрлиғида ёки тамаки маҳсулотининг ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровида (қутисида) тиббий огоҳлантириш бўлмаганда;

агар тамаки маҳсулотининг истеъмол ўровида (қутисида) йигирма дондан кам сигарета бўлса — сигареталарга нисбатан;

тамаки маҳсулоти ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари бўлмаган бошқа товарлар билан бир тўпламда — тамаки маҳсулотига ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларига нисбатан;

истеъмол ўровисиз (қутисиз, блоксиз) — тамаки маҳсулотига ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларига нисбатан;

доналаб ёки очилган (яхлитлиги бузилган) истеъмол ўровида — (қутисида) сигареталар ва қиздириладиган тамаки маҳсулотига нисбатан;

темир йўл вокзалларининг, автовокзалларнинг, аэропортларнинг, дарё бандаргоҳларининг, метрополитен станцияларининг ҳудудларида ва хоналарида (бундан бож олинмайдиган савдо дўконлари мустасно) — тамаки маҳсулотларига ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларига нисбатан;

энг кам улгуржи ва чакана нархлардан паст нархларда — алкоголь маҳсулотларига нисбатан (бундан пиво мустасно);

тўлиқ полиэтилен, полистирол ва бошқа полимер материалдан тайёрланган истеъмол идишида — алкоголь маҳсулотига нисбатан (бундан пиво мустасно);

ёрлиқсиз, ифлос (ичи ёки ташқариси), яққол синиқ белгилари бўлган (бўғзи синган, ёрилган), тиқини бузилган, умумий кўриниши хиралашган, ёт қўшимчалари, чўкмалари бўлган бутилкаларда — алкоголь маҳсулотига нисбатан (бундан коллекция қилинадиган вино маҳсулотлари мустасно);

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда реализация қилиниши тақиқланади.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилишни бевосита амалга ошираётган шахс йигирма бир ёшдан кичик кўринган харидордан унинг шахси ва ёшини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатишни талаб қилиши, ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда эса алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг реализация қилинишини рад этиши шарт.

**22-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари реализация қилинадиган жойлардаги огоҳлантиришлар**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари реализация қилинадиган жойларда уларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилиш тақиқланганлиги ҳақидаги огоҳлантирувчи ёзув ёки белги, шунингдек тиббий огоҳлантириш жойлаштирилган бўлиши керак.

**23-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг рекламаси**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг рекламаси билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

**24-модда. Жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни, шунингдек тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланишни тақиқлаш**

Алкоголь маҳсулотларини иш жойларида, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, боғларда, барча турдаги жамоат транспортида ва бошқа жамоат жойларида истеъмол қилиш тақиқланади. Мазкур қоида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига, шу жумладан алкоголь маҳсулотлари қўйиб реализация қилиш рухсат берилган умумий овқатланиш корхоналарига, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналар ҳамда маросимлар ўтказиладиган жойларга татбиқ этилмайди.

Жамоат жойларида, шу жумладан қўйидаги жойларда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланиш тақиқланади:

савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналарида;

кинотеатрларда, театрларда, циркларда, концерт, кўрик ва кўргазма залларида ҳамда оммавий дам олиш учун мўлжалланган бошқа ёпиқ иншоотларда;

клубларда, дискотекаларда, компьютер залларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (бўш вақт ўтказиладиган) жойларда;

музейларда, ахборот-кутубхона муассасаларида ва маърузахоналарда;

маҳаллий ва узоққа қатнайидиган поездларда, дарё кемаларида, автобусларда, метрополитен вагонларида, таксида, шаҳар электр транспортида, ҳаво кемаларида, шунингдек жамоат транспортининг бошқа турларида;

ер ости ўтиш жойларида, метрополитен станцияларида, транспорт бекат-

ларида ва автотранспорт воситалари вақтинчалик сақланадиган ёпиқ жойларда;

темир йўл вокзаллари, автовокзаллар, аэропортлар, дарё бандаргоҳлари, метрополитен станцияларига кириш жойидан камида беш метр масофада бўлган очик ҳаводаги жойларда;

ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида;

аэропортларнинг, темир йўл ва автомобиль вокзалларининг, дарё бандаргоҳларининг биноларида;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва давлат органларининг биноларида, шу жумладан иш жойида, йўлакларда, лифтларда, зинапояларда, вестибюлларда, ҳожатхоналарда, дам олиш хоналарида, уларга туташ хоналарда ва ходим томонидан меҳнат фаолияти вақтида фойдаланиладиган шунга ўхшаш бошқа жойларда;

соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларида, дорихоналарда, таълим ташкилотларида, маданият муассасаларида, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида, санаторий муассасаларида ва тиббий-ижтимоий муассасаларда;

уй-жой хизматлари, меҳмонхона хизматлари, вақтинчалик жойлаштириш ва (ёки) вақтинчалик яшаб туришни таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун мўлжалланган хоналарда;

кўп квартирали уйларнинг йўлаклари ва лифтларида, шунингдек болалар ва спорт майдончаларида, шу жумладан уйларга туташган ҳудудда жойлашган майдончаларда;

хиёбонларда, боғларда, пляжларда.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган жамоат жойларида жойлашган хоналарни ушбу хоналарда кейинчалик тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланиш учун бериш тақиқланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ушбу жойларда кейинчалик истеъмол қилиш (улардан фойдаланиш) учун бериш тақиқланади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган тақиқлар тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланишга оид қисми бўйича — тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва чилим чекиш учун махсус ажратилган жойларга нисбатан татбиқ этилмайди.

### **25-модда. Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва чилим чекиш учун махсус ажратилган жойларга доир талаблар**

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар:

бинолар ва иншоотлардан ташқаридаги очик ҳавода;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мос келадиган ва вентиляция тизимлари билан жиҳозланган, ушбу Қонун 24-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилган жамоат жойларига тааллуқли бўлмаган алоҳида ажратилган бинолар, иншоотлар ва объектларда;

аэропортларда рейсга рўйхатдан ўтган йўловчилар туриши учун мўлжалланган ҳудудларда ҳамда транзит бўйича ўтаётган йўловчилар учун мўлжалланган ҳудудларда ташкил этилган, вентиляция тизимлари билан жиҳозланган ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш жараёнини бошқа хоналардан кузатиш имконияти истисно этиладиган махсус ажратилган алоҳида хоналарда;

поездларнинг ишлаш учун мўлжалланмаган тамбурларида;

дарё кемалари палубаларининг орқа тарафида ташкил этилиши мумкин.

Чилим чекиш учун махсус ажратилган жойлар фақат чилим бериш бўйича хизматлар кўрсатиладиган, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бўлган ва вентиляция тизимлари билан жиҳозланган алоҳида ажратилган бинолар, иншоотлар ва объектларда ташкил этилиши мумкин.

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойларга тамаки маҳсулотларининг қолдиқлари учун ёнмайдиган ахлатдонлар, шунингдек бундай жойлар қаердалиги ҳақида ахборот берувчи кўрсаткичлар ўрнатилади.

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва чилим чекиш учун махсус ажратилган жойларда тиббий огоҳлантиришлар жойлаштирилган бўлиши керак.

**26-модда. Жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланишни чеклаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахсларнинг мажбуриятлари**

Жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланишни чеклаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслар:

жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишни чеклаш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаши;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилаётган, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланаётган шахсларни ушбу Қонун 24-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган жамоат жойларида улар истеъмол қилинишига (фойдаланилмаслигига) йўл қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантириши, ҳуқуқбузарлик давом эттирилган тақдирда эса ички ишлар органларига хабар бериши;

ҳаммага кўринадиган жойларда, шу жумладан бинолар (хоналар) ҳуду-



дига кириш жойларига ва бошқа объектларга, шунингдек транспорт воситаларида жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишига, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги огоҳлантирувчи лавҳаларни (белгиларни) жойлаштириши шарт.

Жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланишни чеклаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**27-модда. Аҳолини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари, шунингдек уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида маърифатли қилиш ва хабардор этиш**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолини, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисида маърифатли қилишга доир чораларни амалга оширади, ушбу чоралар:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий тиббий ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тўхтатишнинг афзалликлари;

ушбу Қонун мақсадидан келиб чиққан ҳолда тамаки саноатининг стратегияси ва ҳаракатлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этишни ўз ичига олади.

Аҳолини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида маърифатли қилиш:

оилада, таълим ташкилотларида тарбиялаш ва ўқитиш жараёнида, тиббиёт ташкилотларида, шунингдек иш берувчилар томонидан иш жойларида;

оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникациялар тармоқларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини намойиш қилган ҳолда ахборот кампанияларини ўтказиш, «тезкор алоқа» телефонлари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек бошқа усуллар орқали амалга оширилади.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари, уларни истеъмол қилиш ва улардан фойдаланиш жараёни намойиш этиладиган теле-, кино- ва видеофильмларни, теле-, видео- ва кинохроника дастурларини узатувчи ёки намойиш қилувчи ташкилотлар бундай асарларни узатиш ва намойиш қилишдан олдин ёки уларни узатиш ва намойиш қилиш вақтида ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш

ва мосламалардан фойдаланиш хавфи тўғрисидаги ахборотни жойлаштириши керак.

Давлат органлари алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи шахслар билан ушбу Қонуннинг тартибга солиш предмети бўлган масалалар юзасидан ўз ҳамкорлиги тўғрисида жамоатчиликни мажбурий тартибда хабардор қилади.

### **28-модда. Алкоголга ёки никотинга қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш**

Алкоголга ёки никотинга қарам бўлиб қолган ҳамда тиббиёт ташкилотларига мурожаат этган шахсларга алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тўхтатишга, алкогольга ёки никотинга қарамликни даволашга қаратилган тиббий-санитария ёрдами, шунингдек уларни реабилитация қилиш юзасидан ёрдам кўрсатилади.

Алкоголга ёки никотинга қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами, шунингдек уларни реабилитация қилиш бўйича ёрдам қонунчиликка мувофиқ кўрсатилади.

### **4-боб. Алкоголь маҳсулотларининг айланишини тартибга солиш**

#### **29-модда. Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

Алкоголь маҳсулотларини (бундан табиий винолар ва пиво мустасно) ишлаб чиқаришга доир фаолият Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан тегишли лицензия асосида амалга оширилади.

Алкоголь маҳсулотларини чет элда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат хом ашёсидан ректификация қилиб олинган этил спиртидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш тақиқланади.

Пиво ишлаб чиқаришга доир фаолият Ваколатли давлат органига мазкур фаолият бошланиши тўғрисида хабарнома юбориш йўли билан амалга оширилади.

Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш тартиби, шунингдек алкоголь маҳсулотлари таркибидаги инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган моддаларнинг йўл қўйиладиган энг юқори даражалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

#### **30-модда. Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг мажбуриятлари**

Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар:  
ишлаб чиқарилган алкоголь маҳсулотларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар кўрсаткичлари ва талабларига мувофиқлигини;

алкоголь маҳсулотларининг ҳар бир тури бўйича техник жиҳатдан тар-

тибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган технологик йўриқномаларнинг мавжудлигини;

зарур ускуналар, асбоблар, кимёвий реактивлар ва синов усулларини белгилаб берувчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан таъминланган, кўрсаткичларнинг барча зарур физик-кимёвий, микробиологик ва бошқа таҳлилларини ўтказиш имконини берадиган ишлаб чиқариш лабораторияларининг мавжудлигини;

алкоголь маҳсулотининг асосий ишлаб чиқариш ускуналарини ҳамда унинг мулкдорларини Ваколатли давлат органида мажбурий рўйхатдан ўтказиш;

истеъмол этил спиртининг ва алкоголь маҳсулотининг органолептик хоссаларини аниқлаш бўйича дегустация комиссиясига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот намуналарининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан текшириш учун қонунчиликда белгиланган муддатларда тақдим этилишини;

алкоголь маҳсулотларини рақамли тамғалаш ва кузатишнинг ахборот тизимлари, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳамда айланишини ҳисобга олишнинг ахборот тизимлари жорий этилишини ва улардан фойдаланилишини;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи органларнинг сўровларига биноан ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган алкоголь маҳсулотлари ҳажмлари, шунингдек уларни сотишдан тушган даромад миқдори ҳақида ахборот тақдим этилишини;

солиқ органларининг ахборот тизимига интеграция қилинган электрон ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланилишини;

мавжуд йиллик ишлаб чиқариш қувватларидан қонунчиликда белгиланган ҳажмларда фойдаланилишини;

барча алкоголь маҳсулотларини қуйиш линияларида йиғма ҳисобга олиш маълумотлари кўрсаткичларини ҳимоялаш воситасига эга бўлган тайёр маҳсулотларни электрон ҳисоблагичларнинг мавжуд бўлишини;

ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни алкоголь маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи органларга автоматлаштирилган тарзда узатилишини таъминлайдиган ўлчов асбоблари ўрнатилишини;

алкоголь маҳсулотларининг акциз маркалари ва рақамли идентификация воситалари билан белгиланган тартибда тамғаланишини таъминлаши шарт.

Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **31-модда. Алкоголь маҳсулотларининг ўралишига ва тамғаланишига доир талаблар**

Алкоголь маҳсулотларининг ўралишига ва тамғаланишига доир талаблар

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

Алкоголь маҳсулотларининг ўрови уларнинг муомаласи жараёнида хавфсизлигини ва алкоголь маҳсулотларининг бутун яроқлилик муддати мобайнида (виночилик маҳсулотлари учун — ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланадиган сақлаш муддати мобайнида) истеъмол хоссалари сақланишини таъминлаши керак.

Алкоголь маҳсулотларининг тамғаси ҳар битта ўровнинг ўқиш учун қулай жойига (ёрлиғига, контрёрлиғига, кольереткасига ва бошқа жойларига) босилади.

Алкоголь маҳсулотларининг (бундан табиий ва кўпикланадиган винолар мустасно) истеъмол идишида ёрлиқ асосий юзасининг камида қирқ фоизини эгаллайдиган матнли ёзув ва (ёки) расм тарзидаги тиббий огоҳлантириш бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига олиб кириладиган алкоголь маҳсулотлари (бундан пиво, табиий ва кўпикланадиган вино мустасно) белгиланган намунадаги акциз маркалари билан тамғаланиши шарт.

### **32-модда. Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси**

Алкоголь маҳсулотларининг (бундан табиий ва кўпикланадиган винолар мустасно) улгуржи савдосига доир фаолият тегишли лицензия асосида юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Алкоголь маҳсулотларининг чакана савдосига доир фаолият ва алкоголь маҳсулотларини умумий овқатланиш корхоналари томонидан реализация қилишга доир фаолият юридик шахслар томонидан Ваколатли давлат органига мазкур фаолият бошланиши тўғрисида хабарнома юбориш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Алкоголь маҳсулотларининг чакана савдосига доир фаолият фақат алкоголь маҳсулотларини сақлаш ва реализация қилишнинг тегишли санитария нормалари ҳамда қоидаларига мос келадиган омборхоналари ва асбоб-ускуналари бўлган, шаҳарларда — камида йигирма беш квадрат метрли, қишлоқ жойларда — камида ўн беш квадрат метрли (фақат алкоголь маҳсулотлари сотиш учун мўлжалланган ва алоҳида кириш жойига эга) савдо зали, узоқ тоғли жойларда — алоҳида савдо секцияси бўлган савдо объектларида амалга оширилиши мумкин.

Алкоголь маҳсулотларини қўйиб реализация қилишни амалга оширадиган умумий овқатланиш корхоналари тегишли савдо ускуналари, давлат текширувидан ўтган ўлчов мензуркалари ва ўлчовли кружкалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Алкоголь маҳсулотларининг чакана савдоси бўйича фаолият фискал хотирага эга онлайн назорат-касса машиналаридан ва (ёки) виртуал касса тизимларидан, шунингдек банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул

қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида мажбурий фойдаланиш шарти билан амалга оширилади.

Алкоголь маҳсулотларининг чакана савдосига доир фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар аҳоли билан ҳисоб-китобларни онлайн тарзда фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) виртуал касса тизимларини, шунингдек банк пластик карталаридан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари қўллаган ҳолда амалга оширади.

Савдо объектлари томонидан алкоголь маҳсулотларининг чакана савдоси вақти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

### **33-модда. Алкоголь маҳсулотларини импорт қилиш**

Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган алкоголь маҳсулотлари сифати бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Алкоголь маҳсулотларини импорт қилиш божхона тўловларини ундириш ва иқтисодий сиёсат чораларини қўллаш йўли билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига алкоголь маҳсулотларини (бундан пиво мустасно) тўлиқ полиэтилендан, полистиролдан ва бошқа полимер материалдан тайёрланган полимер истеъмол идишларида олиб кириш тақиқланади.

### **5-боб. Тамаки маҳсулотларининг айланишини тартибга солиш**

#### **34-модда. Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришга доир фаолият юридик шахслар томонидан тегишли лицензия асосида амалга оширилади.

Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда:

тамаки маҳсулоти афзалликларга эга ёки соғлиқ учун хавф-хатарларни камайтиради деган тасаввур ҳосил қиладиган;

гайрат ва (ёки) ҳаётий куч (шу жумладан кофеин, таурин, гуарана) билан боғланадиган;

ажралиб чиқадиган тамаки тутунига ранг бериш хоссаларига эга бўлган;

ёнмайдиган шаклдаги канцероген, мутаген ёки репродуктив токсик хоссаларга эга бўлган моддалардан фойдаланиш тақиқланади.

Бир дона сигарета (филтрли ёки филтрсиз) ёки қиздириладиган тамаки маҳсулоти аэрозолида (буғида, тутунида) никотин миқдори бир миллиграмдан ошмаслиги керак.

Бир дона филтрли сигарета тутунида углерод монооксидининг миқдори ўн миллиграмдан ошмаслиги керак.

Таркибида никотин мавжуд бўлган суюқликда ёки никотин эритмасида (шу жумладан никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун

никотинли суюқликларда, шунингдек электрон сигареталарнинг никотин суюқликларида) никотин концентрацияси бир миллилитрда йигирма миллиграмдан ошмаслиги керак.

Тамаки маҳсулоти таркибидаги инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли моддалар миқдорининг мумкин бўлган энг юқори даражалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

### **35-модда. Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг мажбуриятлари**

Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар:

ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини;

тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг тўлиқ технологик циклига риоя этилишини, зарур ишлаб чиқариш хоналари, технологик ускуналар ва ашёларнинг мавжудлигини;

тамаки маҳсулотларининг ҳар бир тури бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва тасдиқланган технологик йўриқномаларнинг мавжудлигини;

зарур ускуналар, асбоблар, кимёвий реактивлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан таъминланган ишлаб чиқариш лабораторияларининг мавжудлигини;

Ваколатли давлат органига белгиланган муддатларда ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотлари таркибида никотин ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган бошқа моддалар миқдорининг йўл қўйиладиган энг юқори даражаларига доир лаборатория тадқиқотлари натижалари ҳақида ҳисобот тақдим этилишини;

тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда берилган тегишли сертификатларга эга бўлган тамаки хом ашёсидан фойдаланилишини;

тамаки маҳсулотларини рақамли тамғалаш ва кузатишнинг ахборот тизимлари, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда айланиши ҳажмларини ҳисобга олишнинг ахборот тизимлари жорий этилишини ва улардан фойдаланилишини;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи органларнинг сўровларига кўра ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган тамаки маҳсулотлари ҳажмлари, шунингдек уни сотишдан тушган даромад миқдори ҳақида ахборот тақдим этилишини;

солиқ органларининг ахборот тизимига интеграция қилинган электрон ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланилишини;

ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича

фаолиятни амалга оширувчи органларга автоматлаштирилган тарзда узатилишини таъминлайдиган ўлчов асбоблари ўрнатилишини;

тамаки маҳсулотларининг белгиланган тартибда акциз маркалари ва рақамли идентификация воситалари билан тамғаланишини таъминлаши шарт.

Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **36-модда. Тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг ўралишига ва тамғаланишига доир талаблар**

Тамаки маҳсулотларининг ўралишига (қутисига) ҳамда тамғаланишига доир талаблар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

Тамаки маҳсулотларининг истеъмол ўрови (қутиси) бутун кафолатли сақланиш муддати мобайнида тамаки маҳсулотларининг истеъмол хоссалари ўзгармаслигини ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаши керак.

Тамаки маҳсулотларининг истеъмол ўровида (қутисида) унинг олд томонининг юқори қисмидаги асосий юзасининг камида олтмиш беш фоизини ҳамда орқа томони асосий юзасининг камида олтмиш беш фоизини эгаллайдиган, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш туфайли юзага келган касаллик оқибатларини кўрсатувчи тасвир ва тегишли мазмундаги матн тарзида тиббий огоҳлантириш бўлиши керак.

Тамаки маҳсулотларининг блокада тамаки маҳсулоти блоки горизонтал жойлаштирилганда чап қисмида олд ва орқа томонида ҳамда вертикал жойлаштирилганда юқори қисмида асосий юзанинг камида олтмиш беш фоизини эгаллайдиган, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш туфайли юзага келган касаллик оқибатларини кўрсатувчи тасвир ва тегишли мазмундаги матн тарзида тиббий огоҳлантириш бўлиши керак.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган талаб шаффоф полиэтилен плёнкадан тайёрланган тамаки маҳсулотларининг блокларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўровида, бундан чилимнинг ўрови мустасно, ўров асосий томонлари юзасининг камида олтмиш беш фоизини эгаллайдиган матнли ёзув ва (ёки) расм кўришидаги тиббий огоҳлантириш бўлиши керак.

Чилим сувдонида унинг юзасининг камида олтмиш беш фоизини эгаллайдиган, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш туфайли юзага келган касаллик оқибатларини кўрсатувчи тасвир ва тегишли мазмундаги матн тарзида тиббий огоҳлантириш бўлиши керак.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровида (қутисида):

мазкур маҳсулот бошқа тамаки маҳсулотларидан зарарсизроқ эканлиги ҳақида бевосита ёки билвосита тасаввур ҳосил қиладиган ҳар қандай атама-ларни, таърифларни, белгиларни, рамзларни ёки бошқа ишораларни;



бевосита ёки билвосита тамаки маҳсулотларининг жозибадорлигини оширувчи таъм, ҳид, хушбўй ҳид берувчи қўшимчалар ва бошқа моддалар борлигини ёхуд уларнинг мавжуд эмаслигини кўрсатувчи ҳар қандай атама-ларни, таърифларни, белгиларни, рамзларни ёки бошқа ишораларни;

озик-овқат маҳсулотларининг, дори воситаларининг, доривор ўсимлик-ларнинг тасвирларини, шунингдек тамаки маҳсулотининг озиқ-овқат маҳ-сулоти, дори воситаси ёки доривор ўсимлик билан бевосита ёки билвосита ўзаро боғлиқлиги ҳақида тасаввур ҳосил қиладиган сўзларни ёки сўз бирик-маларини;

тамаки маҳсулотларининг қанча тез биологик парчаланиши ёки атроф табиий муҳитга бошқача тарзда мақбул таъсир кўрсатиши ҳақида бевосита ёки билвосита тасаввур ҳосил қиладиган ахборотни;

тамаки маҳсулотларининг рағбатлантирувчи, тетиклаштирувчи, шифо-бахш, ёшартирувчи ёки бошқа ижобий самарага эга эканлиги ҳақида бевоси-та ёки билвосита тасаввур ҳосил қиладиган ахборотни;

тамаки маҳсулотларининг зарарлилиги борасида истеъмолчини бе-восита ёки билвосита чалғитадиган ахборотни, шу жумладан «қатрон миқдори кам», «енгил», «жуда енгил», «юмшоқ», «экстра», «ультра», «ин-гичка» каби сўзларни ёхуд бундай сўзлар билан бир ўзакли сўзларни, бундай сўзларнинг чет тиллардаги аналогларини, шунингдек бундай сўз-ларнинг чет тиллардан таржима қилинадиган аналогларини жойлаштириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига олиб кириладиган тамаки маҳсулотлари белгиланган намунадаги акциз мар-калари билан тамғаланиши шарт.

### **37-модда. Тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотин-ни истеъмол қилиш мосламаларининг айланиши**

Таркибидаги никотин ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиги учун зарарли бўлган бошқа моддалар миқдорининг йўл қўйиладиган энг юқори даражаларидан ошадиган тамаки маҳсулотларининг, шунингдек санитария-эпидемиология талаблари белгиланмаган тамаки маҳсулотларининг айланиши тақиқланади.

Қуйидагиларни:

чекилмайдиган тамаки маҳсулотларини, шу жумладан таркибида нико-тин мавжуд бўлган чекилмайдиган маҳсулотларни;

таркибида маҳсулотнинг жозибадорлигини оширишга қаратилган мод-далар ёки никотинга қарамликни оширадиган қўшимчалар мавжуд бўлган никотинли ва никотинсиз суюқликларни, никотинли ва никотинсиз суюқлик-лари бўлган тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини, шунингдек электрон сигареталарни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (шу жумладан халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали олиб кириш) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиш тақиқланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган тақиқ Ўзбекистон Рес-публикаси ҳудудида носвойни ишлаб чиқаришга ва реализация қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

Никотинли ва никотинсиз суюқликларнинг, никотинли ва никотинсиз суюқликлари бўлган тамаки ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг ва электрон сигареталарнинг ўзига жалб этувчанлигини оширишга қаратилган моддалар, шунингдек никотинга қарамликни кучайтирувчи қўшимчалар рўйхати техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Тамаки маҳсулотларига ўхшатиб ишланган товарларни (бундан тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари мустасно) ишлаб чиқариш, олиб кириш, сотиш ва тарқатиш тақиқланади.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг улгуржи ва чакана савдоси қонунчиликка мувофиқ юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг чакана савдоси фақат тамаки маҳсулотларини ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини сақлаш ҳамда реализация қилишнинг тегишли санитария нормалари ва қоидаларига мос келадиган омборхоналари ҳамда усқуналари бўлган кўчмас савдо объектларида амалга оширилиши мумкин.

Чакана савдо амалга ошириладиганда тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ёйиб қўйиш ва очик намойиш этиш тақиқланади.

Чакана савдо учун таклиф этиладиган тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари тўғрисидаги ахборот сотувчи томонидан харидорлар эътиборига савдо залида сотиладиган тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари рўйхатини жойлаштириш орқали етказилади, рўйхатнинг матни оқ фонда бир хил ўлчамдаги қора рангли ҳарфлар билан ёзилади ва рўйхат алфавит тартибда, сотиладиган тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг нархи кўрсатилган ҳолда, бирор-бир график тасвирлар ва расмлардан фойдаланмасдан тузилади.

Кўчмас савдо объектларида тамаки маҳсулотларини ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини харидорга намойиш этиш унинг талабига кўра сотиладиган тамаки маҳсулотлар ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари рўйхати билан танишиб чиққанидан кейин амалга оширилиши мумкин.

Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг чакана савдосига доир фаолият онлайн тарзда фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) виртуал касса тизимларини, шунингдек банк пластик карталаридан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини албатта қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари, шу жумладан импорт қилинган бундай маҳсулотлар ва мосла-

маларнинг сотувчиси ҳар бир номдаги маҳсулот бўйича тайёрловчининг ёки етказиб берувчининг имзоси билан тасдиқланган, ҳар бир номдаги маҳсулот бўйича мувофиқлик сертификати мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар бўлган ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказилганлик рақамлари, ушбу сертификатнинг амал қилиш муддати ҳамда сертификатни берган орган кўрсатилган товар-транспорт ҳужжатларига эга бўлиши керак.

### **6-боб. Якунловчи қоидалар**

#### **38-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан давлат назорати**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан давлат назорати ваколатли органлар томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

#### **39-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга доир тадбирларни молиялаштириш**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг аҳоли соғлиғига зарарли таъсирини профилактика қилишга, унинг олдини олишга, таъсирини камайтиришга доир тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

#### **40-модда. Низоларни ҳал этиш**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **41-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **42-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги ЎРҚ–302-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 272-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 июлда қабул қилинган «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида»ги ЎРҚ–478-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 423-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–584-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 792-модда) **11-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **209** ва **253-моддалари**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 октябрда қабул қилинган «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–721-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 10, 968-модда) **25-моддаси**.

**43-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**44-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**45-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ушбу Қонун 36-моддасининг учинчи — саккизинчи қисмлари, 37-моддасининг иккинчи қисми ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан тўққиз

ой ўтгач амалга киритилади. Бунда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талаблари ушбу Қонун 36-моддасининг учинчи — саккизинчи қисмларида кўрсатилган талаблар амалга киритилгунига қадар амал қилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 24 май,  
ЎРҚ–844-сон

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ****176 Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Рақамли технологиялар вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Соха, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари 2-иловага мувофиқ;

Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидаги ташкилотларни қайта ташкил этиш ва номлаш дастури 3-иловага\*\* мувофиқ;

Рақамли технологиялар вазирлигининг ташкилий тузилмаси 4 — 4б-илваларга\*\* мувофиқ;

Рақамли технологиялар соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 5-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни рақамлаштириш, шунингдек, рақамли хизматлар ва сервислардан фойдаланиш учун қулай шaroитлар яратиш мақсадида:

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — Ягона портал) рақамли хизматлар ва сервислар кўрсатиш ҳамда уларнинг натижасини олишнинг ягона нуқтаси ҳисобланади;

Ягона портал орқали кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш босқичлари «3 қадам» тамойили асосида мақбуллаштирилади;

2023 йил 1 декабрга қадар фуқаролар рақамли хизматлардан мустақил равишда фойдаланишлари учун имконият яратиш мақсадида давлат хизматлари марказларида биринчи босқичда 14 та «Рақамли хизмат нуқта»лари ташкил этилади;

2024 йил 1 январга қадар рақамли хизмат ва сервислар, электрон тўловлар, медиа ресурслар имкониятини бирлаштиришни назарда тутувчи Ягона

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 майда эълон қилинган.

\*\* 3 — 5-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

портал орқали хизматларни тақдим этишнинг янги дастурий таъминот шакли жорий этилади.

3. «Рақамли ҳукумат» тизими доирасида:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан шакллантириладиган давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини рақамлаштириш ҳамда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳалар амалиётга татбиқ этилади;

б) қозғосиз иш юритишга ўтиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими негизида ишлаб чиқилган «edo.ijro.uz» модули орқали электрон ҳужжат айланиш тизимига:

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий аппаратлари;

2024 йил 1 майдан бошлаб ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳудудий бўлинмалари ва улар тасарруфидаги ташкилотлар тўлиқ ўтказилади.

4. Белгилансинки:

а) 2023 йил 1 августдан бошлаб давлат органларида рақамли технологияларни жорий этишга доир лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига иқтисод қилинган маблағларнинг 50 фоизи келгуси молия йилида мазкур давлат органлари фаолиятида рақамли технологияларни ривожлантиришга йўналтирилади;

устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш натижасида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан лойиҳа учун бевосита масъул ходимларни моддий рағбатлантириш механизмини жорий этиш тавсия этилади;

б) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ахборот тизимларида «Рақамли ҳукумат» тизимининг ягона идентификаторлари ҳамда маълумотномалар ва таснифлагичлар регистри ахборот тизимида жойлаштирилган ягона умумдавлат маълумотномалар ва таснифлагичлардан фойдаланишлари шарт.

5. 2024 йил 1 январдан бошлаб Рақамли технологиялар вазирлигининг қуйидаги функциялари хусусий секторга ўтказилсин:

алоқа соҳасидаги бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

алоқа соҳасидаги маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро тармоқларни лойиҳалаштириш.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 августдан бошлаб:

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги халқаро сертификатга эга бўлган давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул ходимларига ўрнатилган устамаларга қўшимча равишда ташкилотларнинг бюджетдан ташқари ва иш ҳақи фонди доирасидаги бюджет маблағлари ҳисобидан лавозим маошига нисбатан 20 фоиз миқдорда устама тўланади. Бунда, халқаро сертификат рўйхати Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан шакллантирилади ва унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади;



Рақамли технологиялар вазирлигининг ахборот технологиялари ҳамда рақамли хизматлар жорий этилиши ҳолатини баҳолаш рейтинги билан қамраб олинмаган давлат органлари раҳбарларининг рақамлаштириш бўйича ўринбосарларига ушбу идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 30 фоизи миқдорида устама ҳақ тўланади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси томонидан ҳар ярим йилда инсон омилисиз шаклланадиган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги рақамли хизматлар ва сервислардан қониқиш даражаси рейтинги эълон қилиб борилади.

8. Рақамли технологиялар вазирлиги ва кенг жамоатчиликнинг 7 май санасини Ўзбекистон Республикаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ходимлари куни деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага\* мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 7-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Рақамли технологиялар вазирлиги уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 24 май,  
ПФ-76-сон

---

\* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 24 майдаги  
ПФ–76-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

### **Рақамли технологиялар вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари**

Қуйидагилар Рақамли технологиялар вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ташкил этиш;

б) рақамли технологияларни жорий этиш, телекоммуникация ва почта алоқаси соҳалари, рақамли иқтисодиёт ва рақамли ҳукумат дастурларини амалга ошириш, космик ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, «давлат — фуқаро» ва «давлат — тадбиркор» тамойили асосида хизмат ва сервисларни рақамлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ривожлантириш ва устувор йўналишларини белгилаш;

в) республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ҳамда хўжалик бошқаруви органларида ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этиш жараёнларини мувофиқлаштириш;

г) рақамли индустрияни ривожлантириш, мазкур соҳада технопарклар фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали маҳаллий ва хорижий компаниялар учун қулай шароитлар яратиш;

д) телекоммуникация ва почта алоқаси инфратузилмасини бошқариш ва уларнинг самарали ишлашини таъминлаш ҳамда телекоммуникация соҳасида хизмат кўрсатиш фаолиятини мувофиқлаштириш;

е) телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, ахборот технологиялари, телекоммуникация ва почта алоқаси хизматлари сифати ва ахборот хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини амалга ошириш ҳамда ишончли учинчи тараф хизматини кўрсатиш;

ж) радиочастота спектрдан фойдаланиш ҳамда мобил қурилмаларни рўйхатга олишни тартибга солиш, ахборот хавфсизлиги йўналишини ривожлантириш;

з) рақамли технологиялар соҳасида таълимни ривожлантириш, жумладан кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

и) ёшлар, аёллар ва аҳолининг бошқа қатламларининг рақамли билим ва кўникмаларини ошириш, мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш;

к) соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамлаштиришда устувор йўналишларни ишлаб чиқиш, соҳалар кесимида рақамлаштириш бўйича ўсиш нуқталарини аниқлаш ва амалга ошириш лозим бўлган лойиҳаларни шакллантириш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 24 майдаги  
ПФ–76-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

### **Соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари**

Қуйидагилар соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

а) аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни рақамлаштириш, шунингдек, рақамли хизматлар ва сервислардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш;

б) давлат идоралари фаолиятини тўлиқ рақамлаштиришни кўзда тутувчи «Электрон ҳукумат» тизимининг янги босқичи — «Рақамли ҳукумат» тизимига ўтиш;

в) ахборот тизимлари ва ресурслари асосида ҳудудларда замонавий бошқарув услубларини жорий этишни назарда тутувчи «Рақамли ҳудуд» дастурини амалга ошириш;

г) ИТ-индустрия учун қулай шароит яратиш орқали мамлакатимизни «ИТ Хаб»га айлантириш ва хизматлар экспортини ошириш;

д) рақамли технологиялар бўйича аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

е) замонавий ва сифатли рақамли инфратузилмани ривожлантириш;

ж) Ахборот технологияларини жорий этиш ва кўрсатилаётган электрон хизматлар сифати устидан самарали рақамли назоратни йўлга қўйиш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 24 майдаги  
ПФ–76-сон Фармониغا  
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб  
эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида»ги ПФ–5806-сон Фармонининг 2 ва 4-бандлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф–5209-сон фармойиши.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 781-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошиси, 2 ва 8-бандлари.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 593-сон қарорига 4-илованинг 93-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 августдаги ««Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятига ҳамда таълимга оид қонунчилик такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 511-сон қарорига 1-илованинг 11-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 ноябрдаги «2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг космик тармоғини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 688-сон қарорининг 4-банди ва 3-иловаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**177 Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизmlарини такомиллаштириш ва «рақамли энергоназорат» тизимини жорий этиш тўғрисида\***

Сўнги йилларда юртимизда ёқилғи-энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш орқали бозор механизмларини жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назоратини таъминлаш борасида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, ёқилғи-энергия таъминоти тизимида вертикал бошқарув ва қатъий идоравий назоратнинг сусайиб кетганлиги энергия ресурсларини талон-торож қилиш ҳолатларининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқаришдан бошлаб истеъмолчига етказиб берилгунга қадар бўлган жараёнларни назорат қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситалари тўлиқ татбиқ этилмаганлиги инсон омилнинг юқори даражада сақланиб қолишига олиб келмоқда.

Ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи корхоналар ва назорат идоралари ўртасида тизимли ахборот алмашинуви йўлга қўйилмаганлиги, уларнинг ахборот ресурслари ўзаро интеграция қилинмаганлиги ёқилғи-энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги тафовутларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермаяпти.

Ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берганлик учун рағбатлантириш тизимининг йўқлиги ушбу йўналишда жамоатчилик назорати етарлича олиб борилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Фойдаланилган ёқилғи-энергетика ресурслари учун қатъий тўлов интизомининг йўлга қўйилмаганлиги, ундирувнинг замонавий усуллари жорий этилмаганлиги соҳада қарздорликнинг ошишига, бу эса таъминот корхоналари томонидан тармоқ ва қурилмаларнинг ўз вақтида модернизация қилинмаслигига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, ёқилғи-энергетика соҳасида тўпланиб қолган тизимли муаммолар мамлакатимизда аномал совуқ даврида табиий газ ва электр энергияси тақчиллиги юзага келишига, оқибатда аҳолининг жиддий ва ҳақли эътирозларига сабаб бўлди.

Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратининг янги механизмларини жорий этиш, соҳада рақамлаштиришни янада кенг қўллаш мақсадида:

1. Қуйидагилар ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш, бу борада

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 26 майда эълон қилинган.

давлат назоратини кучайтириш орқали қонун талабларини бузган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш;

ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш (қазиб олиш), узатиш (ташиш), сақлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш, уларни миқдор жиҳатидан сақлаш жараёнига «рақамли энергоназорат» тизимини тўлиқ жорий этиш;

ёқилғи-энергетика соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг, дастурлар ҳамда лойиҳаларда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш, соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш;

ёқилғи-энергия ресурсларининг сарфланишини, сифатини доимий ўрғаниб бориш, қурилмаларнинг яроқлилиқ ҳолатини текшириш;

ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланишнинг белгиланган талабларига қатъий риоя қилиниши устидан кунлик назорат ўрнатиш.

2. Бош прокуратура, Энергетика вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг электр энергияси ва табиий газдан фойдаланишни назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини тўлиқ жорий этиш, ёқилғи-энергия ресурсларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларга барҳам беришнинг янги тизимини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда:

Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби 1-иловага\* мувофиқ таркибда;

Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий штаблар 2-иловага\* мувофиқ намунавий таркибда;

Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) штаблари 3-иловага\* мувофиқ намунавий таркибда тасдиқлансин.

Қуйидагилар Республика штаби (Ш.А. Аминов), ҳудудий ва туман (шаҳар) штабларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ва талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш чораларини кўриш;

ёқилғи-энергетика соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг, дастурлар ҳамда лойиҳаларда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини мунтазам назорат қилиш;

штаблар фаолияти натижаларини мунтазам равишда танқидий муҳокама қилиб бориш ва уларнинг ишини такомиллаштириш бўйича тизимли чоралар кўриш;

истеъмол қилинган ёқилғи-энергия ресурслари учун қарздорликни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш юзасидан кунлик назорат ўрнатиш;

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ёқилғи-энергетика соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан уйғунлигини, улардаги коррупциявий омилларни мунтазам равишда таҳлил қилиш асосида ушбу соҳани «коррупциясиз соҳа»га айлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини янада кучайтириш, ушбу соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

аҳоли томонидан Энергетика вазирлигининг Интернет тармоғидаги маҳсус ахборот тизимига юборилган электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосуратлар ва видеоёзувлар белгиланган тартибда кўриб чиқилади;

ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахслар пул мукофоти билан рағбатлантирилади;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида юборилган фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувлардаги ҳуқуқбузарларнинг шахсини аниқлаш Энергетика вазирлигининг ҳудудий органлари сўровига асосан ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга-ликда 2023 йил 1 августга қадар электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни пул мукофоти билан рағбатлантириш тартибини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Белгилансинки, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосуратлар, видеоёзувлар ва хабарларни тақдим этган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ошқор этилишига йўл қўйилмайди.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

қонун бузилиши ҳолати содир этилаётганлиги ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказилаётганлиги аниқланганда, прокуратура органлари томонидан давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига қонун бузилишини зудлик билан бартараф этиш тўғрисида талабнома киритилади;

кузатувлар, сўровлар ўтказиш, прокурор назорати объектини кўздан кечириш, статистик ахборотларни ва бошқа маълумотларни ўзаро таққослаш орқали қонунлар ижросини тизимли равишда ўрганиш орқали прокурор мониторинги амалга оширилади;

муайян соҳада (тармоқда) қонунийликни таъминлаш ва жиноятчилик ҳолати ҳақидаги статистик ва бошқа ахборотлар, давлат органлари ва назорат қилувчи идораларнинг маълумотларини ўрганиш орқали ахборот-таҳлил фаолияти олиб борилади.

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Бош прокуратура уч ой муддатда ушбу банд асосида Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда киритсин.

6. Белгилансинки, Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Ўзэнергоинспекцияси) томонидан ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш (қазиб олиш), қайта ишлаш, ташиш, етказиб бериш, тақсимлаш фаолияти билан шуғулланадиган давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарда уларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши бўйича ўтказиладиган назорат тадбирларига нисбатан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишга оид тартиб-таомиллар татбиқ этилмайди.

Бунда, ушбу текширувларга масъул ходимлар тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган Текширувларни рўйхатга олиш китобини қонунчиликда белгиланган тартибда тўлдириши шарт (давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно).

7. Бош прокуратура 2023 йил 1 сентябрга қадар қонунлар, шу жумладан ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тадбирлари ҳамда уларнинг натижаси бўйича қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларининг ягона базаси юритиладиган «Прокурор назорати» ахборот тизимини жорий этсин.

8. Энергетика вазирлиги:

2023 йил 1 сентябрга қадар Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик ҳолатлари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини берувчи, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фото ва видео материалларни жойлаштириш имкониятига эга бўлган Интернетдаги махсус ахборот тизимини яратиш ҳамда ҳар бир хабар берилган ҳолат бўйича тезкор чоралар кўриш тизимининг жорий қилинишини таъминласин;

2023 йил 1 ноябрга қадар ёқилғи-энергетика соҳасини ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган концепциясини ва ёқилғи-энергетика тармоғини рақамлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ҳар олти ойда электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик бўйича аниқланган ҳолатлар, кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка эълон қилиш ҳамда ўз расмий веб-сайтида жойлаштириб борилишини таъминласин.

9. Энергетика вазирлиги, Бош прокуратура ва Рақамли технологиялар вазирлигининг Ўзэнергоинспекция фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан «Энергоназорат» платформаси ҳамда унинг мобил иловасининг синов версиясини 2024 йил

1 мартга қадар тажриба тариқасида Қашқадарё вилоятида, 2024 йил 1 октябрга қадар тўлиқ версиясини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

«Энергоназорат» платформасининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар назарда тутилсин:

энергия ресурслари истеъмолини масофавий назорат қилиш жараёнини рақамлаштириш;

юрidik ва жисмоний шахслар томонидан (аҳолидан ташқари) ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш (қазиб олиш), қайта ишлаш, узатиш (ташиш), тақсимлаш ва истеъмол қилиш, уларнинг миқдор жиҳатидан сақланиши устидан мониторингни юритиш;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, ёқилғи-энергия ресурсларини талон-тарож қилиш ва ноқонуний истеъмол қилишнинг бошқа ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган ҳамда тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ёқилғи-энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги тафовутларни аниқлаш;

ёқилғи-энергия ресурслари истеъмолчиларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини назорат қилиш.

10. Мажбурий ижро бюроси (М.Э. Эгамбердиев) истеъмол қилинган энергия ресурслари учун қарздорликни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларининг мажбурий ижро этилишини таъминлаш мақсадида тизимдаги ҳар бир ходимининг масъулиятини ошириш чораларини кўрсин.

11. Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти электр, газ узатиш ва тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, ёқилғи-энергия ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш чораларини кучайтирсин.

12. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзэнергоинспекция билан ҳамкорликда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ҳамда энергия самарадор ва энергия тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш мақсадида ажратилган бюджет тизими бюджетлари ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитларининг мақсадли сарфланишини ўрганиб борсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Энергетика вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил 1 сентябрга қадар ёқилғи-энергетика соҳасини «коррупциясиз соҳа»га айлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-илова\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга-

---

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

16. Мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т. Йўлдошев ва унинг ўринбосари Ш.А. Аминов ҳамда энергетика вазири Ж.Т. Мирзамаҳмудов белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 24 май,  
ПФ-77-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**178** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

## 1. Куйидагилар:

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида амалга оширилаётган ташкилий ўзгаришлар дастури 2-иловага\*\* мувофиқ;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ташкилий тузилмаси 3-иловага\*\* мувофиқ;

Мактабгача таълим агентлигининг ташкилий тузилмаси 4-иловага\*\* мувофиқ;

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг ташкилий тузилмаси 5-иловага\*\* мувофиқ;

Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 6-иловага\*\* мувофиқ;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотларнинг хусусий секторга ўтказиладиган функциялари рўйхати 7-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мактабгача ва умумий ўрта таълимни янги босқичга олиб чиқиш, унинг сифатини ошириш ҳамда таълим дастурларини такомиллаштириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич:

умумий ўрта таълим муассасаларининг 1 — 4-синфларида ўқувчиларга бошланғич, 5 — 9-синфларида таянч ҳамда 10-11-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятига мос бўлган билимларни беришга йўналтирилган ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуалар жорий этилади;

умумий ўрта таълим дастурлари ва ўқув-методик мажмуаларнинг фанларо ва синфларо интеграцияси таъминланади;

билимни баҳолашнинг янги тартиби жорий этилади ва унинг доирасида ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ўтилган мавзунини амалиётда қўллай билиш, танқидий фикрлаш ва берилган материални таҳлил қила олиш каби кўникмалари баҳоланади;

умумий ўрта таълим муассасаларининг бошланғич синфларида инфор-

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 31 майда эълон қилинган.

\*\* 2 — 7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

матика фани, ўрта синфларда эса ўқувчиларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган дарслар жорий этилади;

барча фанлар бўйича амалий машғулотлар улуши 60 фоизга етказилади. Бунда, дарслардаги мавзулар аниқ муаммони ҳал қилиш орқали ўргатилади, амалиёт дарслари эса лойиҳани бажариш шаклида ўтказилади.

3. Белгилансинки, мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида:

а) 2024 йил 1 январдан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик касбларига биринчи марта ишга қабул қилинаётган талабгорларни касбий сертификатлаш тизими жорий этилади. Бунда:

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб педагогик касбларга биринчи марта ишга қабул қилинадиган олий маълумотли талабгорлар стажёр-ўқитувчи сифатида фаолият юритади ва улар ишга қабул қилинган вақтдан бошлаб бир йил муддат давомида касбий сертификатга эга бўлиши талаб этилади;

стажёр-ўқитувчиларга улар касбий сертификат олгунига қадар олий маълумотли (тоифасиз) ўқитувчининг базавий тариф ставкаси қўлланилади;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб давлат мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларига малака тоифасини беришнинг янги тартиби жорий қилинади. Бунда:

малака тоифасини олиш бўйича синовлар бир йилда камида бир марта икки босқичда ўтказилади ҳамда биринчи босқичда талабгорнинг мутахассислик фани ва касб стандарти бўйича билим даражаси, иккинчи босқичда — педагогик маҳорати баҳоланади;

малака тоифаси беришнинг янги тартиби жорий қилингунига қадар малака тоифасини олиш бўйича синовларни ўтказишга мораторий жорий этилади;

мораторий давомида педагог кадрлар навбатдаги малака тоифасини олиш синовларига жалб этилмайди ҳамда уларнинг малака тоифасини тасдиқловчи сертификатнинг амал қилиш муддати навбатдаги синовларга жалб қилингунига қадар автоматик равишда узайтирилади;

в) 2025 йил 1 январга қадар малака тоифаларини бериш тизимини ваколатли хорижий ташкилотларнинг аккредитациясидан ўтказиш орқали педагог кадрларга халқаро стандартлар асосида малака сертификатини бериш амалиёти йўлга қўйилади.

Бунда, халқаро стандартлар асосида малака сертификатини олган педагог кадрларга тариф ставкаларининг амалдаги миқдорларига нисбатан 70 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўланади;

г) педагог кадрларнинг «электрон портфолиоси» шакллантириб борилади ва унга ўқитувчиларнинг малака даражаси, касбий ривожланиш натижалари ва педагогик фаолияти давомида эришган ютуқлари киритилади;

д) ихтисослаштирилган мактаблар умумий ўрта таълим муассасалари учун «таянч мактаб» этиб белгиланади.

Бунда, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари «таянч мактаблар» томонидан янги таълим дастурлари, дарс ўтишнинг илғор методикалари ва ўқувчи билимини баҳолашнинг замонавий усулларига ўргатилади;

е) 2024 йил 1 июндан бошлаб давлат мактабгача таълим ташкилотларининг олий маълумотли педагог ходимларининг базавий тариф ставкалари умумий ўрта таълим муассасаларининг тегишли педагог ходимлари базавий тариф ставкаларининг амалдаги миқдорларига тенглаштирилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб:

умумий ўрта таълим муассасалари директорларига ўз ўринбосарларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, ажратилган умумий соатлар доирасида ўқув режаларига 15 фоизгача ўзгартириш киритиш масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилади;

туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларининг умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини текшириш ва таълим сифатини баҳолаш бўйича ваколатлари бекор қилинади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида энг тажрибали умумий ўрта таълим муассасалари директорларидан иборат бўлган Директорлар кенгашлари тузилади;

умумий ўрта таълим муассасалари директорларини лавозимига тайинлаш Директорлар кенгаши тавсиясига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) томонидан очиқ танлов асосида амалга оширилади;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари директорларини ҳар беш йилда бир маротаба касбий сертификациялаш тизими жорий этилади. Бунда, сертификациядан ўта олмаган директорлар белгиланган тартибда лавозимидан озод этилади.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) 2023 йил 1 декабрга қадар ҳудудий бошқармаларнинг бошлиқларига шартномавий-ҳуқуқий асосда маслаҳатчи сифатида хорижий мутахассисларни жалб қилсин.

Белгилансинки:

ҳудудий бошқармалар бошлиқларининг хорижий маслаҳатчиларига Президент мактабларининг хорижий мутахассисларига нисбатан жорий этилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланилади ва бу билан боғлиқ бўлган харажатлар Таълим соҳасидаги ислохотларга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизими ҳамда мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларида фаолият кўрсатиш учун жалб қилинган хорижий мутахассислар Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб этиш ва ундан фойдаланиш учун амалга ошириладиган тўловлардан озод этилади.

6. Қуйидагилар бекор қилинсин:

умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари лавозимига кадрларни тайинлашда туман (шаҳар) маънавият ва маърифат маркази томонидан тавсия бериш амалиёти;

умумий ўрта таълим муассасаларида жисмоний тарбия фани ўқитувчиларини ишга қабул қилишда спорт соҳасидаги ваколатли давлат органининг

худудий бўлимлари ҳамда спорт мактаблари методистлари томонидан йўланма бериш тартиби.

7. Белгилансинки:

а) нодавлат таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, соҳада лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида 2023 йил 1 октябрдан бошлаб:

нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил қилишда ўқитувчиларнинг тоифалари ҳамда битта синфда таълим олувчиларнинг максимал сонига қўйилган талаблар енгиллаштирилади;

нодавлат мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларига спорт зални уларга ижара ва текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ҳамда белгиланган талабларга жавоб берадиган биноларда ҳам ташкил этишга рухсат этилади;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг худудий бўлинмалари томонидан нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини текшириш ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга оширилади;

б) соҳада ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан тизим ташкилотларида иш жараёнини рақамлаштириш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб:

бола туғилганидан сўнг, доимий яшаш манзилидаги микрохудудга бириктирилган умумий ўрта таълим муассасасида онлайн ҳисобга қўйилади;

умумий ўрта таълим муассасаларининг ҳар ўқув йили учун қабул режаси «[my.maktab.uz](http://my.maktab.uz)» электрон платформасида шакллантирилади.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб:

«Сирдарё тажрибаси» асосида ҳар битта худудда биттадан замонавий «Баркамол авлод» болалар мактабларини ташкил қилсин, уларда касб-хунар ва хорижий тилларга ўргатиш тўғарақларини, шунингдек, кутубхона фаолиятини йўлга қўйсин;

«Баркамол авлод» болалар мактабларида хусусий секторни жалб қилган ҳолда замонавий тўғарақларни ташкил қилсин;

«Баркамол авлод» болалар мактаблари аъзоларининг хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро имтиҳонларга тайёрловчи тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйсин.

9. Бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, давлат хазиналари шаффофлигини ошириш мақсадида:

2023 йил 1 июлдан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича белгиланган тартиб давлат мактабгача ва ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари учун ҳам татбиқ этилсин;

2024 йил 1 январдан бошлаб марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати ходимларининг базавий тариф ставка миқдорлари 1,5 бараварга оширилсин.

10. Қуйидагилар:



фаолияти тугатилган Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасидаги мавжуд маблағларнинг 100 фоизи — Таълим соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармасига, мол-мулклари — оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига;

фаолияти тугатилган Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг бино ва иншоотлари тегишли мол-мулки билан бирга — оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ўтказилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон Фармонида мувофиқ фаолияти тугатилган Вазирлар Маҳкамасининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбасининг вазифалари ва функциялари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ўтказилсин.

Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари фаолияти Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги томонидан мувофиқлаштириб борилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 8-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 9-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова, мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари — Мактабгача таълим агентлиги директори А.В. Шин ҳамда Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги директори А.Т. Уббиев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 26 май,  
ПФ–79-сон

\* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 26 майдаги  
ПФ–79-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

### **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари**

Қуйидагилар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

а) мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўқув ва тарбия жараёнларининг ўзаро мустаҳкам алоқаси ва узлуксизлигини таъминлаш;

б) ўқув ва тарбия жараёнига халқаро талаблар асосида ишлаб чиқилган ўқув режа, дастур ва ўқув-методик мажмуалар ва замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш;

в) ўқувчилар ва тарбияланувчиларни умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига мустақиллик ғояларини янада чуқур сингдириш ҳамда ёт ғояларга қарши иммунитетини шакллантириш;

г) иқтидорли ёшларни аниқлаш, саралаб олиш ва уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича халқаро олимпиадалар, танловлар ва мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш;

д) педагог кадрларнинг касбий билим ва кўникмаларини ошириш ва баҳолаш, мақоми ҳамда обрўсини мустаҳкамлаш, уларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилиши, шунингдек, ижтимоий муҳофаза қилинишини ташкил этиш;

е) мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида нодавлат таълим хизматлари секторини янада қўллаб-қувватлаш, унинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

ж) мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим жараёнларини рақамлаштириш ва мазкур соҳалардаги давлат хизматларини кенгайтириш;

з) мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим (шу жумладан, чет тилларини ўргатиш) соҳасида лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, мазкур йўналишда фаолият юритаётган таълим ташкилотлар томонидан сифатли таълим берилишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 26 майдаги  
ПФ–79-сон Фармониغا  
9-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган  
деб ҳисобланаётган айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6108-сон Фармонининг 11 ва 14-бандлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги «2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–134-сон Фармониغا 2-илованинг 4-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2909-сон қарорининг 5-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3305-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3931-сон қарорининг 4-банди «а» кичик банди, 7, 8, 23-бандлари, 1-2 иловалари.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3955-сон қарорининг 2-банди ҳамда 1 ва 2-иловалари.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январдаги «Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4119-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4444-сон қарорининг 1-банди, 1 ва 2-иловалар.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги «Замонавий мактаб»ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4537-сон қарорининг 7 ва 9-бандлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартдаги «Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4642-сон қарорига 1-илованинг 11-банди ҳамда 2-илованинг 11-банди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июлдаги «Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5188-сон қарорининг 14-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**179** Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига рақамли хизматлардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бюрократик тартиботларни қисқартириш, шунингдек, давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳамда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) «Рақамли ҳукумат» ва «Рақамли ҳудуд» дастурлари доирасида 2023-2024 йилларда амалга ошириладиган 300 та устувор лойиҳалар, шу жумладан:

давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича 112 та устувор лойиҳалар рўйхати 1-иловага\*\* мувофиқ;

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини рақамлаштириш бўйича 51 та устувор лойиҳалар рўйхати 2-иловага\*\* мувофиқ;

ҳудудларни рақамли трансформация қилиш бўйича 137 та устувор лойиҳалар рўйхати 3-иловага\*\* мувофиқ;

б) 2023 йил якунига қадар Ягона интерактив давлат хизматлари порталида кўрсатилаётган хизматлар сонини 570 тага етказиш доирасида порталда биринчи навбатда жорий этиладиган 95 та хизмат ва сервислар рўйхати ҳамда режа-жадвали 4-4а-иловаларга\*\* мувофиқ;

в) ижтимоий-иқтисодий соҳанинг айрим тармоқларида биллинг тизимларини жорий этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар режаси 5-иловага\*\* мувофиқ;

г) «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасида рақамли шаклда тақдим этилиши орқали 2023 йил 1 декабрдан бошлаб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиш бекор қилинадиган 47 турдаги маълумотлар рўйхати 6-иловага\*\* мувофиқ;

д) аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизматлардан фойдаланиш ҳолати бўйича юбориладиган эслатма ва хабарномалар рўйхати 7-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) соҳа ва тармоқларни, шу жумладан биринчи навбатда 2023-2024 йилларда соғлиқни сақлаш ва сув ҳўжалиги соҳасидаги рақамлаштириш лойиҳаларини мувофиқлаштириб бориш ва жадаллаштириш учун масъул ҳисобланади.

Бунда, рақамлаштириш лойиҳаларини самарали амалга ошириш ҳамда масъул вазирликлар билан ҳамкорликда ишлаш ва уларга ҳар томонлама

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 майда эълон қилинган.

\*\* 1 — 7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

амалий ёрдам кўрсатиш учун «Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган «лойиҳа офислари» фаолияти йўлга қўйилади.

3. Белгилансинки, 2023 йил 1 июндан бошлаб республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ташқи кредит ва бегараз қўмак маблағлари асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг рақамли компонентларга йўналтириладиган қисми Рақамли технологиялар вазирлиги билан мажбурий тарзда келишилади.

4. «Рақамли ҳудуд» дастури доирасида:

а) «Рақамли геопортал» ахборот тизими ва «Халқ назорати» платформаси 2023 йил 1 сентябрга қадар Ангрен, Оҳангарон, Янгийўл, Чирчиқ ва Нурафшон шаҳарларида, 2023 йил якунига қадар эса Жиззах ва Урганч шаҳарларида ишга туширилади.

Бунда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда «Халқ назорати» порталига аҳоли томонидан келиб тушган ариза ва шикоятларни таҳлил қилган ҳолда, уларнинг вужудга келиш сабабларини келгусида бартараф этиш мақсадида инobatга олиш мажбурий ҳисобланади;

б) «Рақамли геопортал» ахборот тизими ва «Халқ назорати» платформасига 8-иловадаги\* рўйхатга мувофиқ вазирлик ва идораларнинг 70 та маълумотлари интеграция қилинади;

в) ҳудудларни рақамлаштириш бўйича:

лойиҳалар амалга оширилиши учун — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, шу жумладан мазкур бандда назарда тутилган лойиҳалар жорий йилда ишга туширилиши учун Тошкент вилояти (З. Мирзаев), Жиззах вилояти (Э. Солиев) ва Хоразм вилояти (Ж. Рахимов) ҳокимлиги;

лойиҳаларни жорий этиш ҳамда уларни техник қўллаб-қувватлаш учун — «Рақамли ривожланиш департаменти» масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда — Рақамли департамент);

лойиҳалар амалга оширилиши бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун — Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) масъул ва жавобгар ҳисобланади;

г) ҳудудларни рақамлаштириш бўйича лойиҳаларни жорий этиш ҳамда уларни техник қўллаб-қувватлаш учун Рақамли департамент ҳузурида лойиҳа офислари ташкил этилади.

5. Белгилаб қўйилсинки, Рақамли департаментга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–357-сон қарорининг 18-банди учинчи хатбошиси талаблари татбиқ этилади;

мазкур қарорнинг 4-бандида назарда тутилган платформа ва ахборот тизимларини жорий этиш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ҳуқуқи берилади.

\* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Белгилансинки, электрон тижорат соҳасини ривожлантириш орқали савдо айланмаси ҳажмини 2023 йилда 500 миллион АҚШ долларига етказиш, шунингдек, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш мақсадида 2023 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига электрон тижорат фаолияти доирасида эркин омбор божхона режимига жойлаштирилган товарлар билан чакана савдо операцияларини амалга оширишга рухсат берилади.

7. Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда — ИТ-парк) резидентлари томонидан амалга оширилишига рухсат этилган фаолият турлари рўйхатига қуйидаги қўшимча йўналишлар киритилсин:

дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда мультимедиа, дизайн ва мультипликация маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатиш;

ИТ-парк ва унинг филиаллари ҳудудида жойлашган ва юридик манзилда рўйхатдан ўтган ташкилотлар томонидан ахборот технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни венчур молиялаштириш ҳамда акселерация дастурларини амалга ошириш.

8. Белгилансинки, ИТ-парк дирекцияси ҳамда устав фондида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахслар томонидан ИТ-парк ҳудудида жойлашган кўчмас мулк объектларини рақамли технологиялар соҳасида илғор стартап лойиҳаларига эга ИТ-парк резидентларига тўғридан-тўғри ижарага беришга рухсат этилади.

Бунда, ижарага беришдан тушган маблағлар мазкур кўчмас мулк объектларини балансда сақловчилар ихтиёрида қолдирилади.

9. Рақамли технологиялар соҳасида юқори малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

а) «Бир миллион дастурчи» лойиҳасининг навбатдаги босқичи сифатида хорижий нуфузли таълим платформаларида ИТ-йўналишдаги онлайн ўқув курсларда таҳсил олиш имконияти йўлга қўйилади.

Бунда:

курсларни муваффақиятли тамомлаган 15 минг нафар ёшлар сараланиб, уларда халқаро миқёсда фаолият юритиш кўникмалари шакллантирилади;

хорижий нуфузли таълим платформаларида муваффақиятли ўқишни яқунлаган ва тегишли сертификатга эга ёшларга компьютер хариди учун истеъмол кредитлари ажратиш амалиёти давом эттирилади;

2023 йил 1 августдан бошлаб ёшларга компьютер харидлари учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан микроқарз шаклида ҳамда «Ёшлар дафтари» ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги жамғармалари ҳисобидан бериладиган субсидия маблағларини ижтимоий контракт асосида ёшлар хоҳишига кўра алоҳида очилган банк картасига (нақдлаштириш имкониятисиз) ўтказишга рухсат берилади;

б) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб В2 ва ундан юқори хорижий тил билиш даражасига эга бўлган фуқаролар томонидан тизим бошқаруви, маълумотлар базаси ва «булутли» платформани бошқариш, ахборот хавфсизлигини таъ-



минлаш ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларда халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларининг 100 фоиз қисмини қоплаш тизими жорий этилади;

в) битирувчиси IT-хизматларни экспорт қилувчи IT-парк резиденти бўлган компанияларга ишга жойлашган нодавлат ўқув марказларига ҳар бир битирувчи учун Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 бараваригача, ногиронлиги бўлган ёшлар учун эса 105 бараваригача бир марталик субсидия ажратиш йўлга қўйилади;

г) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб махсус ахборот платформаси орқали давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг рақамлаштиришга масъул ўринбосарлари ва ходимлари рақамлаштириш соҳасидаги қоидалар ва қонунчилик талаблари бўйича «ҳаёт давомида таълим олиш» тамойили асосида ўқитилади.

10. Белгилансинки, аҳолини сифатли рақамли инфратузилма билан таъминлаш мақсадида барча аҳоли яшаш масканлари 2024 йил якунига қадар кенг полосали мобил алоқа ва кенг полосали маълумотлар узатиш тармоқлари билан тўлиқ қамраб олинади.

11. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси 2023 йил 1 октябрдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жорий этилган рақамли технологиялар бўйича лойиҳалар самарадорлиги, кўрсатиладиган рақамли хизмат ва сервислар техник фаолиятининг сифати ҳамда барқарорлиги устидан рақамли назоратни ўрнатсин.

Рақамли назорат доирасида давлат органлари ва ташкилотларида рақамли технологиялар соҳасидаги лойиҳаларнинг мақсадлилиги, жорий этиш даражаси, фойдаланиш ҳолати, рақамли хизматлар ва сервислар ишидаги узилиш, тўхталиш ва техник-авариялар, алоқа марказлари (ишонч телефонлари, Call-марказлар, диспетчерлик алоқа) хизматларининг боғланиш ва самарали техник фаолият кўрсатиш каби сифат кўрсаткичлари баҳоланади.

12. Белгилансинки, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекциясига алоқа, ахборотлаштириш ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилишларини бартараф этиш юзасидан республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва давлат ташкилотларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ваколати берилади.

13. Рақамли технологиялар вазирлиги уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолият-

тини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 24 май,  
ПҚ-162-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRINING  
BUYRUG'I****180 “Ўзбекистон Respublikasining “Fuqaro aviatsiyasida aviatsiya xavfsizligi bo'yicha instruktorlarni sertifikatlaydigan o'tkazish” aviatsiya qoidalarini (O'ZR AQ-182) tasdiqlash to'g'risida”gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 23-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2576-1*

Ўзбекистон Respublikasining 2022-yil 14-martdagi O'ZRQ-759-son “Ўзбекистон Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida”gi Qonuni va Ўзбекистон Respublikasi Prezidentining 2020-yil 22-sentabrdagi PF-6065-son “Ўзбекистон Respublikasida identifikatsiya ID-kartalarni joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi, 2021-yil 23-martdagi PF-6191-son “Aholi va tadbirkorlik subyektlariga davlat xizmatlaridan foydalanishda yanada qulay sharoitlar yaratish, bu borada byurokratik to'siqlarni qisqartirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi farmonlari, Ўзбекистон Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 25-yanvardagi 59-son “Ўзбекистон Respublikasi fuqaro aviatsiyasini g'ayriqonuniy aralashuv harakatlaridan aviatsiya xavfsizligi jihatidan himoyalashni ta'minlash milliy dasturini tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Ўзбекистон Respublikasi Parvozlari xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2014-yil 4-apreldagi 44-n-son “Ўзбекистон Respublikasining “Fuqaro aviatsiyasida aviatsiya xavfsizligi bo'yicha instruktorlarni sertifikatlaydigan o'tkazish” aviatsiya qoidalarini (O'ZR AQ-182) tasdiqlash to'g'risida”gi buyrug'iga (ro'yxat raqami 2576, 2014-yil 18-aprel) (Ўзбекистон Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014-y., 16-son, 188-modda) ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir****I. МАХКАМОВ**

Toshkent sh.,  
2023-yil 15-may,  
4-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 23-mayda e'lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi  
transport vazirining 2023-yil 15-maydagi  
4-son buyrug‘iga  
ILOVA

**“O‘zbekiston Respublikasining “Fuqaro aviatsiyasida aviatsiya xavfsizligi bo‘yicha instruktorlarni sertifikatlaydigan o‘tkazish” aviatsiya qoidalarini (O‘ZR AQ-182) tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. Buyruq muqaddimasidagi “2000-yil 5-iyuldagi 256-son” degan so‘zlar “2019-yil 25-yanvardagi 59-son” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Qoidalarda:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar fuqaro aviatsiyasida aviatsiya xavfsizligi bo‘yicha instruktorlarni sertifikatlaydigan o‘tkazish tartibini belgilaydi.”;

b) 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Dastlabki sertifikatlaydigan o‘tish uchun instruktorlikka nomzod yoki takroriy sertifikatlaydigan o‘tish uchun aviatsiya xavfsizligi bo‘yicha instruktor arizani komissiyaga taqdim etadi.”;

d) 16-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“16. Sertifikatsiya imtihonlaridan o‘tish uchun aviatsiya xavfsizligi bo‘yicha instruktorlar va instruktorlikka nomzodlar sertifikatlaydigan imtihonlari o‘tkaziladigan joyga o‘z vaqtida pasporti yoki identifikatsiya ID-kartasi bilan yetib kelishi shart.”;

e) 17-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“17. Sertifikatsiya imtihonlariga pasportsiz yoki identifikatsiya ID-kartasiz kelgan, shuningdek kechikib kelgan aviatsiya xavfsizligi bo‘yicha instruktorlar va instruktorlikka nomzodlar sertifikatlaydigan imtihonlariga kelmagan hisoblanadi va navbatdagi sertifikatlaydigan imtihonlaridan o‘tadigan aviatsiya xavfsizligi bo‘yicha instruktorlar va instruktorlikka nomzodlar ro‘yxatiga kiritiladi.”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**181** «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартдаги 119-сон «Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва қўшимча тўловларни тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорига мувофиқ **бюроман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирадди.

**Вазир**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 13 май,  
12-сон

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил  
13 майдаги 12-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 октябрдаги 77-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2835, 2016 йил 26 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 510-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 12 февралдаги 21-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тарти-

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 майда эълон қилинган.

би тўғрисидаги йўриқноманинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2835-1, 2018 йил 21 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.02.2018 й., 10/18/2835-1/0796-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги 102-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2835-2, 2019 йил 16 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2019 й., 10/19/2835-2/3921-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 30 мартдаги 10-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2835-3, 2022 йил 18 апрель) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.04.2022 й., 10/22/2835-3/0317-сон).

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***И. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. O‘zbekiston Respublikasi transport vazirining 2023-yil 15-maydagi 4-son “O‘zbekiston Respublikasining “Fuqaro aviatsiyasida aviatsiya xavfsizligi bo‘yicha instruktorlarni sertifikatlaydigan o‘tkazish” aviatsiya qoidalarini (O‘ZR AQ-182) tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

***2023-yil 23-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2576-1.***

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 13 майдаги 12-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835-4.***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 октябрдаги 77-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2835, 2016 йил 26 октябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2835-1, 2018 йил 21 февраль), (рўйхат рақами 2835-2, 2019 йил 16 октябрь), (рўйхат рақами 2835-3, 2022 йил 18 апрель).

***2023 йил 24 майда давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**